

Бакалавриат 2023/2024 ўқув йили

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалавриатда таълимнинг кундузги шаклида **“Тергов фаолияти”** ва **“Прокурорлик фаолияти”** шунингдек, **“Прокурорлик фаолияти”** сиртқи таълим йўналишларида **ўзбек** ва **рус тилларида** ўқиш ташкил этилиб, жами **1 017** нафар талаба таъсил олмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-1-сон Фармони ижроси бўйича Мажбурий ижро бюросининг ўрта махсус маълумотли амалдаги **51** нафар давлат ижрочиси бакалавриатнинг **“Прокурорлик фаолияти”** йўналиши сиртқи таълим шаклига қабул қилинди.

2023/2024 ўқув йилида:

Бакалавриатнинг **“Тергов фаолияти”** (ҳарбийлаштирилган ва ҳарбийлаштирилмаган) ҳамда **“Прокурорлик фаолияти”** кундузги ва сиртқи таълим йўналишларига **351** нафар талаба қабул қилинди;

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” таълим йўналиши бўйича **287** нафар талаба ўқишни тамомлади, янги ўқув йилидан ушбу йўналишда **281** нафар талаба сўнгги 3-курсда ўқишни давом эттирмоқда.